
ФАРҒОНА ШАҲРИДА ҲАМ ТАДБИРКОРЛАР КЕНГАШИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Фарғона шаҳридаги “Афросиёб” мажмуасида вилоят секторлари раҳбарларининг тадбиркорлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Шаҳардаги 120дан зиёд тадбиркорлар иштирок этган юзма-юз мулоқотда таклиф ва муаммолар эшитилди, мурожаатлари тингланди.

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров тадбиркорлар тараққиётнинг етакчи кучи эканлигини таъкидлаб, Марғилонда бошланган тажриба, яъни Тадбиркорлар кенгаши Фарғона, Қўқон шаҳрида ҳам ташкил этилишини билдирди. Икки ҳафтада бир тадбиркорлар билан учрашув ўтказилиб, тизимли мулоқотни йўлга қўйилишини маълум қилди.

- Биз иш ўрни яратаман, ишлаб чиқариш қиламан деган ҳар бир тадбиркорни қўллаб - қувватлаймиз, унга кўмакдош бўламиз. Айниқса, Фарғона шаҳрида тадбиркорлик учун катта имкониятлар бор, - деди вилоят раҳбари.

Кенгаш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мавжуд муаммоларга ечим излаш, саноат ва ишлаб чиқариш тармоқларини янада кенгайтириш каби устувор масалаларда яқиндан ёрдам беради.

Вилоят ҳоқими ҳар бир тадбиркор билан юзма-юз мулоқот қилди, лойиҳалари билан танишди.

“Davr sales” МЧЖ қадоқланган сув ишлаб чиқариш, “Пўлатхонов” МЧЖ сендвич панеллари, “Терло ideal” МЧЖ газ плиталари ва аристонлар ишлаб чиқариш бўйича ўз лойиҳалари борлигини, бунинг учун жой кераклигини билдирди.

Тадбиркорлик учун ер олиш, кредит, табиий газ, қўшимча электр тармоғига уланиш каби 70 дан зиёд тадбиркорларнинг таклиф ва мурожаатлари тингланиб, ижобий ҳал этилиши бўйича тегишли масъулларга топшириқлар берилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-08-29 23:54:43